

## ЎСМИРЛАРДА САЛБИЙ ХУЛҚ АТВОРЛАРНИНГ ЮЗАГА КЕЛИШ САБАБЛАРИ ВА УНИ ОЛДИНИ ОЛИШ ИМКОНИАТЛАРИ

Н.Ташпўлатова “Умумий психология” кафедраси ўқитувчиси.

У. Зарифова Жиззах давлат педагогика институтининг “Қўшма таълим дастурлари“ булими “Амалий психология” таълим йуналиши 1-курс талабаси

**Аннотация:** Ўсмирларга таълим –тарбия беришда ёш хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда ёндашиш, ҳар бир шахсга хос бўлган индивидуал психологик хусусиятлар билан ишлаш хусусида ёритилган.

**Калит сўзлар:** Тарбияси қийин, кўрқитиш, серзардалик, ғайри ижтимоий (антисоциал) хулқ-атвор, антилидер»-лидер.

Ўсмирларга таълим-тарбия беришдаги қийинчиликлар, бунда ўсмир билан бўладиган муносабатларда унинг ҳаёти ва фаолиятини назорат қилиш шакллари ўзгартириш масаласи бугунги куннинг энг долзарб масалаларидан бирига айланиб бормоқда. Уларга таъбир қилишнинг қандайдир янги усуллари ва воситаларини топиш лозим бўлади. Бунда албатта, ҳар бир ёш билан алоҳида муносабатда бўлиш мақсадга мувофиқдир.

Ўсмирлик ёшида характердаги ўзгаришлар, ўз диди ва қарашларининг пайдо бўлиши, янги қизиқишлар ва эҳтирослар, мустақил бўлишга нисбатан кучли интилиш ўсмирларнинг жамият меъёрлари ва талабларидан чекланиб, ташқи меъёрларни шубҳа остига олиб, ўзи қимматли деб билган сифатларда ўзини намоён этишга уринишига олиб келади. Шунда ўзини намоён этишнинг бебошлик, ўз мустақиллигини кўрсатиш ниятида интизомни бузиш, шаддодлик каби безарар салбий шакллари ғайри ижтимоий (антисоциал) хулқ-атвор шакллари гача етиши мумкин. Бундай хулқ-атворни психологияда девиант, яъни жамиятда қабул қилинган меъёрлардан оғишган хулқ деб ҳам юритилади.

«Тарбияси қийин» болалар педагогик қаровсизлик натижаси ҳисобланади. Ўсмирларда учрайдиган салбий хулқ-атвор икки гуруҳга бўлиб ўрганилади: *Хулқ-атвор мотивларининг нотўғри ривожланиши ёки кучли эффеқтли ҳис-туйғулар* яъни турли тартиб интизомсизликлар, атрофдаги инсонлар билан нотўғри муносабатда бўлиш натижасида турли конфликтларнинг вужудга келиши, турли тасодифий гуруҳларга кириш, жамоада ўзини кўрсатишга интилиш.

*Ўқувчи ўсмирларнинг мактабдаги тартиб қоидаларни тушуниб етмаслик ёки ўзларининг хулқ атворини бошқара олмаслик*, агрессивлик яъни жисмоний куч ишлатиш, кўрқитиш, серзардалик. Бу икки фактор асосида вужудга келади. Биринчидан темперамент хусусияти, иккинчидан ўқитувчи ва тенгдошлари билан нотўғри муносабатда бўлиш.

- **Дюркгейм**нинг таъкидлашича девиант хулқ жамиятда меъёрий назорат сусайганда юзага келар экан.

- **Р.Мертон**нинг назариясида эса, жамиятда маънавий қадриятлар инсон томонидан объектив равишда қабул қилинмай, қадриятлар тизими емирилишни бошлаганда вужудга келар экан.

- **Ижтимоийлашув жараёни**да девиант хулқ атворга оилада ва ўсмирнинг атроф-мухитида етакчи бўлган тарбиявий ҳолат асос солар экан.

Тарбияси қийин ўсмирлар шаклланишининг яна бир асосий омили бу ўсмирларнинг шахсий психологик хусусиятлари билан ишлашдир. Сангвиник темпераментдаги ўсмирларда ҳис-туйғулар ташқи кўринишда ёрқин ифодаланган бўлади. Уларни бошқа ишларга берилиб кетмаслиги учун доимо назорат қилиш ва кучи етадиган иш билан банд қилиш керак.

Флегматик темпераментдаги ўсмир оғир, вазмин, ҳаракатлари салмоқли бўлади. Шунинг учун улардаги совуққонлик, бепарволик, бўшанглик, фаолиятсизликнинг номоён бўлишга йўл қўймаслик керак.

Холерик темпераментдаги ўсмирлар чакқон, ҳаракатчан, кўзғалувчан бўладилар. Уларда барча жараёнлар тез содир бўлади. Бу типдаги ўсмирлар ҳиссиётлари кучли, ёрқин ифодаланиб тез пайдо бўлади, баъзан кайфияти кескин ўзгаради.

Холерик типдаги ўсмирлардан доимо мулойимлик билан, аммо қатъиятли, шопилмай, ўйлаб жавоб қайтаришларини талаб қилиш, улар хатти-ҳаракатларида ўртоқлари ва катталар билан бўлган муносабатларида ўзини тутишликни тарбиялаб бориш лозим. Бундай ўсмирлардан меҳнат фаолиятида изчилликни ва ишда тартибли бўлишни тарбиялаш ҳамма топшириқларни иш мобайнида яхши бажаришларини талаб қилиш лозим.

Меланхолик темпераментдаги ўсмирларда психик жараёнларнинг суст ўтиши қайд қилинади. Улар кучли кўзғовчиларга қийинчилик билан жавоб қайтарадилар, диққатларини бир нарсага узоқ вақт ва кучли жалб эта олмайдилар. Шунинг учун бундай ўсмирларда одамга эл бўлишликни ўстириш, жамоада дўстлик ва ўртоқлик ҳисларини тарбиялаш зарур, чунки улар осонликча яккаланиб, ўз кечинмаларига берилиб кетиши ёки жамоадан четга чиқиб, салбий таъсирларга тушиб қолиши мумкин.

Эмансипация реакцияси. Бу катталарнинг қарамоғидан, назоратидан ва хомийлигидан озод бўлишга интилишда кўринади. Реакция катталар томонидан белгиланган тартиб, қоидага қарши йўналтирилган. «Озод бўлиш» эҳтиёжи мустақил ҳаётга интилиш билан боғлиқ бўлиб, бу реакция ўғил болаларда кўпроқ бўлади. .Тенгқурлари билан гуруҳлашган реакция. Бунинг икки тури мавжуд.

Биринчиси, бир жинсга асосланиб, унда доимий лидер ва гуруҳ аъзоларининг вазифалари, уларнинг гуруҳдаги ўрни белгиланган. Бу гуруҳда “лидернинг адпютанти” унда интеллектуал қобилият йўқ бўлсада, лекин жисмоний кучли бўлади, «антилидер»-лидернинг ўрнини эгаллашга ҳаракат

киладиган, «иккиюзламачи»-у томонга хам, бу томонга хам ўтиб юрадиган ўсмирлар бўлади.

Бундай гуруҳнинг ўз худуди бўлиб, унга бегоналар яқинлаштирилмайди. Гуруҳнинг таркиби барқарор бўлади ва янги аъзоларни фақат синовлар асосида қабул қилишади. Иккинчи турдаги гуруҳда роллар катъий тақсимланмаган ва доимий лидер йўқ. Лидернинг вазифаларини гуруҳнинг турли аъзолари бажаради. Гуруҳ аъзолари икки жинс вакилларида ташкил топади ва унинг таркиби барқарор эмас.

Тарбияси қийинликни олдини олиш бола билан суҳбат қилиш, унинг аҳволи билан қизиқиш, келажак ҳақида гапириб, хамкорликда режалар тузиш даркор. Болани қўллаб-қувватлаб, ўзига, келажакка ишончни шакллантириш зарур, ўз мақсадига эриша олишига умид бериш керак.

### Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Dilfuza Qarshiboyeva, [КРИТИЧЕСКОГО МЫШЛЕНИЯ У ПОДРОСТКОВ](#), Журнал Педагогика и психологии в современном образовании: № 1 (2021): [Zamonaviy ta'limda pedagogika va psixologiya fanlari](#)
2. Dilfuza Qarshiboyeva, [IMPORTANCE OF PSYCHOLOGICAL KNOWLEDGE IN LEARNING FOREIGN LANGUAGES](#), Журнал Педагогика и психологии в современном образовании: Том 1 № 4 (2021): [Zamonaviy ta'limda Pedagogika va psixologiya fanlari](#)
3. Qarshiboyeva, D. (2021). ЁШЛАРНИ КАСБГА ЙЎНАЛТИРИШДА ИЛМИЙ ИЗЛАНИШЛАР ҲАҚИДАГИ БИЛИМЛАР УЗЛУКСИЗЛИГИ. Журнал Педагогика и психологии в современном образовании, (2). извлечено от <https://art.jspi.uz/index.php/ppmedu/article/view/2906>
4. Toshpo'latova, N. (2021). СНЕТ ТИЛИ FANLARINI O'QITISHDA O'QUVCHINING INDIVIDUAL PSIXOLOGIK XUSUSIYATLARINI HISOBGA OLISH USULLARI. Журнал Педагогика и психологии в современном образовании, (2). извлечено от <https://ppmedu.jspi.uz/index.php/ppmedu/article/view/3073>
5. Nodira Toshpo'latova, [ПРИ ОБУЧЕНИИ ПОДРАСТАЮЩЕГО ПОКОЛЕНИЯ - УЧИТЫВАТЬ ПСИХИКУ УЧАЩИХСЯ](#), Журнал Педагогика и психологии в современном образовании: № 1 (2021): [Zamonaviy ta'limda pedagogika va psixologiya fanlari](#)
6. Nodira Toshpo'latova, [ТАЪЛИМ МУАССАСАСИ РАҲБАРИНИНГ МУЛОҚОТИ ТАЪЛИМ САМАРАДОРЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ ОМИЛИ СИФАТИДА](#), Журнал Педагогика и психологии в современном образовании: № 3 (2021): [Zamonaviy ta'limda Pedagogika va psixologiya fanlari](#)

10. Ахмедова Насиба Ачиловна, СОҒЛОМ МУҲИТ –СОҒЛОМ ОИЛА ТАЯНЧИ. <https://history.jspi.uz/index.php/ppmedu/article/view/2966/1982>
11. Imomqulova, F. (2021). ОИЛАДАГИ ТАРБИЯ УСУЛЛАРИНИ БОЛАНИНГ МУВАФФАҚИЯТГА ЭРИШИШИГА ТАЪСИРИ. Журнал Педагогика и психологии в современном образовании, (2). извлечено от <https://ppmedu.jspi.uz/index.php/ppmedu/article/view/3076>
12. Imomqulova, F. (2021). ОИЛАДА ЭР-ХОТИН МУНОСАБАТЛАРИНИНГ ИЖТИМОЙ ПСИХОЛОГИК ХУСУСИЯТЛАРИ. Журнал Педагогика и психологии в современном образовании, (2). извлечено от <https://ppmedu.jspi.uz/index.php/ppmedu/article/view/2962>
13. Imomqulova, F. (2021). ISSUES OF UPBRINGING IN UZBEK FAMILIES. Журнал Педагогика и психологии в современном образовании, (1). извлечено от <https://ppmedu.jspi.uz/index.php/ppmedu/article/view/2620>
14. Imomqulova, F. (2021). ISSUES OF UPBRINGING IN UZBEK FAMILIES. Журнал Педагогика и психологии в современном образовании, (1). извлечено от <https://ppmedu.jspi.uz/index.php/ppmedu/article/view/2620>
15. Xamdamov, X. (2021). ЗНАЧЕНИЕ ПСИХОЛОГИЧЕСКОГО ЗДОРОВЬЯ В ПСИХОЛОГИЧЕСКОЙ БЕЗОПАСНОСТИ ЛИЧНОСТИ. Журнал Педагогика и психологии в современном образовании, (2). извлечено от <https://ppmedu.jspi.uz/index.php/ppmedu/article/view/3345>
16. Nazira Po'latova, [ЭСТЕТИЧЕСКОЕ ВОСПИТАНИЕ КАК ФАКТОР ДУХОВНОГО СОВЕРШЕНСТВОВАНИЯ ЛИЧНОСТИ](#), Журнал Педагогика и психологии в современном образовании: № 1 (2021): [Zamonaviy ta'limda pedagogika va psixologiya fanlari](#)
17. Nazira Po'latova, [ЁШЛАРНИ ОИЛАВИЙ ХАЁТГА ТАЙЁРЛАШДА ИБН СИНО ИЛМИЙ МЕРОСИДАН ФОЙДАЛАНИШ](#), Журнал Педагогика и психологии в современном образовании: № 2 (2021): [Журнал педагогика и психологии в современном образовании](#)
18. Mamaraimova, R. (2022). ЎҚУВ ЖАРАЁНИНИНГ ИНТЕРФАОЛ МЕТОДЛАР ЁРДАМИДА ТАШКИЛ ЭТИШНИНГ МАЗМУН МОҲИЯТИ. Журнал Педагогика и психологии в современном образовании, 2(5). извлечено от <https://ppmedu.jspi.uz/index.php/ppmedu/article/view/5112>
19. Ra'no Mamaraimova, [КИЧИК МАКТАБ ЁШИ ЎҚУВЧИЛАР КОМПЕТЕНТЛИК ХУСУСИЯТЛАРИНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ БАЪЗИ ЖИҲАТЛАРИ](#), Журнал Педагогика и психологии в современном образовании: № 2 (2021): [Журнал педагогика и психологии в современном образовании](#)
20. Jumanova, N., & Abduvalieva, N. A. (2022). ВО'ЛАЖАК О'ҚИТУВЧИЛАРДА КАСБИЙ КОМПЕТЕНТЛИКНИ РИВОЖЛАНТИРИШ. Журнал Педагогика и психологии в современном образовании, 2(5). извлечено от <https://ppmedu.jspi.uz/index.php/ppmedu/article/view/5107>

21. Abdurasulov, R. (2022). ПСИХОЛОГИЯДА СПОРТЧИ ШАХСИ ХАРАКТЕРИ ШАКЛЛАНИШИНИНГ ЎРГАНИЛИШИ. *Журнал Педагогикаси ва психологияси в современном образовании*, 2(5). извлечено от <https://ppmedu.jspi.uz/index.php/ppmedu/article/view/5109>
22. Abdurasulov, R. (2022). ПСИХОЛОГИЯДА СПОРТЧИ ФАОЛИЯТИДА МОТИВАЦИЯНИНГ АҲАМИЯТИ. *Журнал Педагогикаси ва психологияси в современном образовании*, 2(5). извлечено от <https://ppmedu.jspi.uz/index.php/ppmedu/article/view/5108>
23. Qodirova, M. (2022). O‘SMIRLAR TARBIYASINING QIYINCHILIK XUSUSIYATLARI VA ULARNING KELIB CHIQUISH SABABLARI. *Журнал Педагогикаси ва психологияси в современном образовании*, 2(5). извлечено от <https://ppmedu.jspi.uz/index.php/ppmedu/article/view/5105>
24. Kamolova, S. (2022). ЁШЛАРНИ МАЪНАВИЙ БАРКАМОЛЛИК РУҲИДА ТАРБИЯЛАШНИНГ ПСИХОЛОГИК АСОСЛАРИ. *Журнал Педагогикаси ва психологияси в современном образовании*, 2(6). извлечено от <https://ppmedu.jspi.uz/index.php/ppmedu/article/view/5191>
25. Shirin Kamolova, [РАСШИРЕНИЕ И РАЗВИТИЕ НАУЧНОЕ МИРОВОЗЗРЕНИЕ СТУДЕНТОВ](#), *Журнал Педагогикаси ва психологияси в современном образовании: № 1 (2020): Journal of Pedagogy and psychology in modern education*
26. Shirin Kamolova, [САМОВОСПИТАНИЕ – ОСНОВА ФОРМИРОВАНИЯ ГАРМОНИЧНО – РАЗВИТОГО ПОКОЛЕНИЯ](#), *Журнал Педагогикаси ва психологияси в современном образовании: № 1 (2020): Journal of Pedagogy and psychology in modern education*
27. Shirin Kamolova, [ПРЕЕМСТВЕННОСТЬ ФОРМИРОВАНИЯ МИРОВОЗЗРЕНИЯ СТУДЕНТОВ НА ОСНОВЕ ОБЩЕЧЕЛОВЕЧЕСКИХ ЦЕННОСТЕЙ](#), *Журнал Педагогикаси ва психологияси в современном образовании: № 1 (2021): Zamonaviy ta'limda pedagogika va psixologiya fanlari*
28. Axmedova, N. (2022). KICHIK MAKTAB YOSH DAGI O‘QUVCHILARDA TA’LIM JAROYONIDA MOTIVATSIYANING O‘RNI. *Журнал Педагогикаси ва психологияси в современном образовании*, 2(6). извлечено от <https://ppmedu.jspi.uz/index.php/ppmedu/article/view/5270>
29. Achilovna, A. N., & ugli, K. S. F. (2022). Information Texnologu in the Professional Development of Modem Teachers. *International Journal of Discoveries and Innovations in Applied Sciences*, 2(2), 73–77. Retrieved from <https://openaccessjournals.eu/index.php/ijdias/article/view/1054>
30. Kamolova, S. U., Shakarbaeva, S. A., Yuldashev, S. A., & Ochilov, C. Q. (2020). The Essence Of The Content Of Enriching The Scientific Outlook Of Future Teachers. *Essence*, 29(8), 3593-3598.
31. Kamolova, Shirin Usarovna, & O‘Skanov, Mirsaid (2022). BOSHLANG‘ICH SINF O‘QITUVCHILARINING KOMMUNIKATIV QOBILIYATLARINI SHAKLLANTIRISH JIHATLARI. *Oriental renaissance: Innovative, educational, natural and social sciences*, 2 (2), 676-681.

- 32.Kamolova, Shirin Usarovna, & Axmedova, Fotima Xurramovna (2022). SOG'LOM SHAXS HAYOTIDA PSIXOLOGIK XIZMATNING O'RNI. Oriental renaissance: Innovative, educational, natural and social sciences, 2 (2), 630-636.
- 33.Nuriddinova, K. S., & Meliyeva, P. N. (2022). Characteristics of Environmental Education Issues in Avesto. International Journal of Discoveries and Innovations in Applied Sciences, 2(2), 69–72. Retrieved from <https://openaccessjournals.eu/index.php/ijdias/article/view/1053>
- 34.Usarovna, K. S. (2022). The Importance of Cognitive Processes in the Formation of a Scientific Worldview among Students. International Journal of Discoveries and Innovations in Applied Sciences, 2(2), 78–83. Retrieved from <https://openaccessjournals.eu/index.php/ijdias/article/view/1055>
- 35.Karshibaeva Dilfuza Burlieva (2020). CRITICAL THINKING IN ADOLESCENTS. Евразийский Союз Ученых, (12-1 (81)), 4-5.
- 36.Karshibaeva, D., & Sattarova, F. (2020). CRITICAL THINKING IN ADOLESCENTS. EurasianUnionScientists, 1(12 (81)), 4-5.
- 37.D.Qarshiboyeva.Improving Family Literacy Relationship depending on psychological education at school and family environment. <https://ijiemr.org/downloads/Volume-10/ISSUE-3>
- 38.Majidov, J. (2021). ШАХСГА ТИЗИМЛИ ЁНДАШИШДА ҚАДРИЯТЛАРНИНГ ЎРНИ. *Журнал Педагогика и психологии в современном образовании*, (3). извлечено от <https://ppmedu.jspi.uz/index.php/ppmedu/article/view/4325>
- 39.Majidov, Jasur Baxtiyarovich (2022). SOTSIAL INTELLEKT VA UNING INSON HAYOTIDAGI O'RNI. Oriental renaissance: Innovative, educational, natural and social sciences, 2 (2), 608-613.
- 40.Karimova V. M. «Psixologiya» T.Sharq 2002y.
- 41.G'oziyev E. G'. «Umumiy psixologiya» 1-2 tom. Toshkent-2002y.
- 42.Ivanov P.I., Zufarova M. «Umumiy psixologiya» T.: O'zbekiston faylasuflar milliy jamiyati, 2008 yil